O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 17 FEVRAL ◆ SHANBA ◆ № 22 (26.724)

16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН «БОИНГ»ЛАРИ КЎПАЯДИ

Мустақилликнинг дастлабки ойлариданоқ мамлакатимиз раҳбарияти фуқаро авиациясини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Шу боис ҳам самолётлар парки Гарбда ишлаб чиқарилган самолётлар билан бойитилди. Ҳозирда миллий авиакомпаниядаги 5 та «Боинг», 3 та «А-310» ва 3 та «RJ-85» самолётлари жаҳон андозалари даражасида йўловчиларга хизмат қилмоқда. Истиқлол қанотларимиз янада мустаҳкамланади. АҚШ Савдо-сотиқ ва тараққиёт агентлиги ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўртасида иккита «Боинг 767-300ER» самолётини харид этиш учун техник-иқтисодий асослашни молиялаштириш бўйича грант битими имзоланади.

АҚШ Савдо-сотиқ ва тараққиёт агентлиги томонидан молиялаштириладиган техник-иқтисодий асослашни Американинг FMN International, Inc. (Вашингтон) компанияси амалга оширади. 485 минг АҚШ доллари миқдоридаги ушбу грант авиакомпания инфратузилмасини такомиллаштириш учун фойдаланилади. Вэб- саҳифа тузилиши кўзда тутилган. Бу Интернет воситасида мижозларга авиачипталарни харид этишга имкон яратади. Шунингдек, миллий авиакомпания Американинг «Дельта» авиакомпанияси билан Атланта шаҳридан йўловчилар транзити бўйича марказ сифатида фойдаланишда ҳамкорлик қилади. «Боинг»лар техник-иқтисодий асослаш тугалланганидан кейин харид этилади.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2000 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА 2001 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ

МАЪРУЗАСИ

Унда Олий Мажлис раиси, Бош вазир, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, қўмита ва уюшмалар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини жиддий таҳлил қилар экан, бу борада қўлга киритилаётган ютуқларга ва йўл қўйилаётган камчилик ҳамда нуқсонларга алоҳида тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида белгилаб берилган устувор йўналишлар 2000 йилда изчиллик билан амалга оширилди. Иқтисодиётда барқарорлик ва ривожланиш таъминланиб, ялпи ички маҳсулот ўсиши 4 фоизни ташкил этди. Саноат, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпайди, чакана товар айланиши, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмлари сезиларли даражада ортди.

Шунингдек, иқтисодиёт ривожининг асосий белгиларидан бири — экспортнинг ўсишига эришилди. 2000 йилда қабул қилинган сармоявий лойиҳа деярли тўла бажарилди. Иқтисодиётга 810 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилди. Жалб этилган жами сармоянинг 55 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида юқоридаги ютуқларни санаб ўтар экан, экспортни кўпайтириш ва халқаро бозорга чиқишда йўл қўйилаётган камчиликларни танқид қилди. Чунончи, талай корхоналар ўз маҳсулотини экспорт қилиш бўйича белгиланган режаларни бажармади.

Экспортнинг кўпайишидан иқтисодиётимизга нақадар фойда келишини кўпчилик яхши билади. Шундай экан, нега бу борада белгиланган вазифаларни амалга оширишда сусткашликларга йўл қўйиляпти? Бунинг асосий сабабларидан бири — корхона раҳбарларида ташаббус етишмаётганлиги, уларнинг узоқни кўриб иш тутишдан ожизлиги.

Мажлисда маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича қабул қилинган дастурни амалга ошириш суръати суст бораётгани ҳам танқид қилинди. Ислом Каримов хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхона ташкил этилаётганда бутловчи қисмларнинг асосий қисмини ўзимизда ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш зарурлигини уқтирди. Бу қўшимча ишчи ўринларни яратишдан ташқари, валютани тежаш, четга қарамликдан қутулиш имконини беради.

Қишлоқ жойларида хорижий сармоя асосида маҳаллий хомашё билан ишлайдиган корхоналар қуришни кўпайтириш лозим, деди Президент. Чунки бу борадаги ишларни қониқарли деб бўлмайди. Хусусан, ўтган йили ташкил этилган 152 та қўшма корхонанинг деярли ярми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ҳукумат ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга жиддий ёндашувни талаб қилиб келади. Ислом Каримов Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туманлар ҳокимликлари, хўжаликлар бу соҳага етарли эътибор қаратмаётганини танқид қилди. Ҳолбуки, айни пайтда мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг 50 фоизининг мелиоратив аҳволи яхшиланишга муҳтож. Бу эса яқин йиллар давомида соҳага эътибор қаратилмаса, келажакда унумдор ерларнинг кескин камайиб кетишига олиб келади. Шу боис Президент ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида 2010 йилгача мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш борасида кўрсатма берди.

Ўтган йили пахтачилик бўйича режаларни бажаришнинг аҳволи қандай бўлгани кўпчиликка маълум. Ислом Каримов жорий йилда бу борада камчиликларга йўл қўйиб бўлмаслигини уқтирди. Президентимиз, айниқса, уруғ танлашга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини айтди. Зеро, сифатли тола яхши уруғдан олинади. Тола сифати яхши бўлмаган пахта эса жаҳон бозорида харидоргир эмас. Агар Ўзбекистонда етиштириладиган пахта ҳажмига нисбатан олиб қаралса, бу борадаги эътиборсизлик бизни жуда катта миқдордаги хорижий валютадан маҳрум қилади.

— Биз замонавий коллежлар, лицейлар қуряпмиз, — деди давлатимиз раҳбари маърузасида. — Бироқ бу ўқув даргоҳларида болаларимизга кимлар таълим беришини ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Шу сабабли уларга малакали, билимли ўқитувчиларни жалб этишга эътибор бериш зарур. Ҳокимлар ўз ҳудудларидаги барча ўқув даргоҳларининг аҳволидан доимий равишда хабардор бўлиб туриши лозим.

Президент таълим тизимидаги ислоҳотларга хорижий сармоя жалб этишни кучайтириш кераклигини уқтирди. Қисқа муддатли эмас, балки камида 7-10 йилга мўлжалланган кредитлар олишга ҳаракат қилиш керак. Бундай маблағлар ўзини оқлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари, агросаноат мажмуи раҳбари Т. Холтоев, Қашқадарё вилояти ҳокими Б. Ҳамидов, Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборов, Хоразм вилояти ҳокими И. Бобожонов ва бошқалар сўзга чиқиб, жойларда ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар хусусида сўзладилар.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

■ **Оксана ЗАДУНАЙСКАЯ, Анвар КАРИМОВ, ЎзА мухбирлари**

Суратларда: йиғилиш пайти.

Муҳаммад АМИН ва Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугун биз мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодиётни ислоҳ этиш бўйича 2000 йил — ўтган минг йилликнинг сўнгги йилида қилинган ишларга якун ясаш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш учун йиғилдик.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, шуни мамнуният билан қайд этишни истардимки, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида белгилаб берилган устувор йўналишлар йил давомида изчил амалга оширилди. Умуман олганда, 2000 йилга мўлжалланган мақсад ва вазифаларнинг, энг муҳим макроиқтисодий прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди.

Хўш, ўтган йил бу борада қандай амалий натижалар қўлга киритилди?

2000 йилда ҳам республика иқтисодиёти ўтган йиллардаги каби барқарор ва изчил ривожланди. Макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш мамлакатимизда давом этаётган ислоҳотлар ва жамиятни янгилаш жараёнининг ажралмас хусусиятларига айланиб қолди. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш — 4 фоизга, саноат ишлаб чиқариши ҳажми — 6,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 3,2 фоизга кўпайди.

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш — 7,7 фоизга, чакана товар айланиши — 7,8 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса — 14 фоизга ортди.

Иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳақида гапирганда, мен эътиборингизни муҳим бир масалага жалб этмоқчиман.

Албатта, тез суръатлар билан ривожланиш катта аҳамиятга эга эканини ва бунинг фойдасини ҳеч ким инкор қилолмайди. Лекин барчамизга аён бўлиши керакки, ҳар қандай ўсиш кўрсаткичлари номигагина эмас, аввало, бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожи учун хизмат қилиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим.

Биз иқтисодий ўсиш деганда, аввалambор, мана шу ҳақиқатни тасаввур қилишимиз табиийдир.

Бугун биз, совет давридаги эски статистиканинг сохта услубларини ёдга олишимиз мумкин. Унга кўра, ялпи ижтимоий маҳсулотнинг, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш, қурилиш-пудрат ишлари ҳажмининг ўсиш суръатлари ва бошқа умумий кўрсаткичлар бош мезон ҳисобланар эди.

Лекин кўп жиҳатдан пуфлаб ясалган бундай сохта суръатлар амалда иқтисодиёт ривожидаги барқарорлик ва аҳоли ҳаёт даражасининг ўсишига таъсири ҳақидаги маълумотларни бермас эди.

Ўйлайманки, бугунги кунда эришилаётган ўсиш суръатларига, гарчи уларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлса-да, бу кўрсаткичларга ҳаддан зиёд маҳлиё бўлиш ярамайди. Муайян даврдаги иқтисодий фаолият натижаларини баҳолашда бозор муносабатлари мезонларига ва, энг аввало, сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг 2000 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини ана шу нуқтаи назардан баҳолайдиган бўлсак, мен қуйидагиларни қайд этмоқчи эдим.

Биринчидан, иқтисодиётимизда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ошди. Давлат бюджети камомади ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизидан ошмади.

Нақд пул эмиссияси, йил якунларига кўра, 9,4 фоизни ташкил этди, бу — прогноз қилинган даражадан анча пастдир. Жами пул массаси, белгиланган даражадан — яъни, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 19 фоиздан ошгани йўқ.

Бу — пул айланиш тизимининг барқарорлигидан далолат беради. Иқтисодиётимиз ва мамлакатимиз барқарорлигини таъминлайдиган етакчи соҳалар анча тез суръатлар билан ривожланди.

Пулнинг қадрсизланишининг олдини олишга қаратилган қатъий чора-тадбирлар инфляция кўрсаткичларини прогноз қилинган даражада сақлаб туриш имконини берди. Йил мобайнида қайта молиялашнинг ўртача ойлик даражаси йиллик 36 фоиздан 24 фоизга пасайди. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция жараёнларига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатди.

Иккинчидан, корхоналарнинг молиявий аҳволи анча мустаҳкамланди. Корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларини 41 фоизга, ана шундай кредиторлик қарзларини эса 58 фоизга қисқартириш имконини берди. Мониторинг ўтказилаётган 21 та вазирлик ва идоранинг тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари тўлиқ тугатилди. Банкротлик ёқасига бориб қолган корхоналар сони деярли икки баробар қисқариб, 182 тадан 81 тага тушди. Юртимизда фаолият кўрсатаётган 169 минг корхонадан зарар кўриб ишлаётгани 139 тани ташкил этди.

Учинчидан, банк соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар янада ривожланди. Банкларнинг умумий капитали ва банк тизими активларининг умумий ҳажми йил давомида 1,9 баробар ошди. Ўзбекистонда банк активларининг ялпи ички маҳсулотга бўлган нисбати 2001 йил 1 январь ҳолатига кўра 56 фоизни ташкил этди. Бу, албатта, барчамизни қувонтиради. Чунки ушбу кўрсаткич бир томондан, мамлакатимизда кредит бериш имкониятлари кенгайганини кўрсатса, иккинчи томондан, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб бораётганидан далолат беради. Бу тижорат банклари томонидан аҳолининг омонат маблағларини рағбатлантириш сиёсати билан боғлиқ. Бунинг натижасида тижорат банкларининг депозит базасида аҳоли омонатларининг улуши 7,8 фоиздан 15,8 фоизгача кўпайди.

Тўртинчидан, кейинги йилларда биринчи марта четга талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, эркин курс бўйича харид қилиш ва сотиш ҳуқуқига эга.

Бешинчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришнинг суръат ва миқёслари сезиларли даражада ўсди.

2000 йилда хусусийлаштириш дастури бўйича кўзда тутилган 167 та объект ўрнига 374 та объект хусусийлаштирилди. Уларнинг негизида 152 та ҳиссадорлик жамияти, 103 та хусусий корхона ва 117 та бошқа мулк шаклидаги корхона ташкил этилди. Фонд бозорида илгари давлатга тегишли бўлган умумий қиймати 6 миллиард сўмдан зиёд акция сотилди. Бу — 1999 йилдагига нисбатан 35 фоиз кўпдир.

2000 йили давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан 14,3 миллиард сўм маблағ тушди. Бу — 1999 йилги кўрсаткичдан 1,6 баробар кўпдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам муайян ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. 1999 йил якунларига бағишланган мажлисда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, Давлат мулк қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўз фаолиятида сансалорлик ва тўрачиликка йўл қўяётгани, хусусий тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамиятини етарли даражада тушуниб етмаётгани қаттиқ танқид қилинган эди. Бугун ўтган йил якунларини холисона баҳолар эканмиз, жойларда бу борадаги ишлар анча кучайганини эътироф этишимиз зарур.

Ўтган мана шу давр мобайнида рўйхатга олинган кичик ва ўрта корхоналар сони деярли 13 фоизга кўпайди. Фаолият юритаётган корхоналарнинг иқтисодиётдаги улуши сезиларли даражада ортди. Бугунги кунда кичик ва ўрта корхоналар ҳамда хусусий тадбиркорлар ҳиссасига ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 21,6 фоизи тўғри келмоқда.

Ҳисобот йилида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобидан 193 минг янги иш ўрни яратилди, бу — 1999 йилдагига нисбатан бир ярим баробар кўп демакдир. Янги иш ўринларининг 99 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилгани эътиборга сазовордир.

Олтинчидан, 2000 йил учун мўлжалланган инвестиция дастури тўлиқ амалга оширилди. Молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан иқтисодиётимизга 700 миллиард сўм атрофида, жумладан, қарийб 810 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя киритилди. Жами сармояларнинг 55 фоиздан зиёди ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Енгил саноат, транспорт ва алоқа тармоқларига, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қурилишларга йўналтирилган инвестициялар салмоғи ортди.

Йил мобайнида: нометалл қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Хобас-ТАПО» қўшма корхонаси, сантехника жиҳозлари ишлаб чиқарувчи «Ўзсматана-Сантехника» қўшма корхонаси, Самарқанд вилоятидаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарувчи цех, Тошкент вилоятидаги универсал фосфорли-азотли ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхона, Андижон вилоятидаги чарм маҳсулотлар тайёрлайдиган «Олтин дери» қўшма корхонаси, ўқув дафтарлари тайёрлайдиган «Ишк» қўшма корхонаси, Тошкент шаҳридаги инфузион эритмалар ампуласи ва таблеткалар ишлаб чиқарувчи корхона ва бошқа объектлар ишга туширилди.

Шунингдек, Шўртан газ-кимё комплекси, Янгийўл целлюлоза-қоғоз фабрикаси, Тошкент шаҳридаги вагонларни таъмирлаш корхонаси, Фарғона фуранли қоришмалар заводи, Шаҳрихон туманидаги «Антекс» ҳиссадорлик жамияти тўқув фабрикаси, Қоракўл туманида «Қоракўл-текс» ўзбек-америка қўшма корхонаси, Андижон шаҳридаги 21 минг абонентга мўлжалланган автомат телефон станцияси қурилиши ниҳоясига етмоқда ва яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Мамлакатимизда коммуникация тармоқларини ривожлантиришга нақадар катта аҳамият берилаётганидан хабарингиз бор, албатта.

Хусусан, ўтган йили янги темир йўл йўналишининг 226 километрлик узунликдаги Учқудуқ-Мискин тармоғини фойдаланишга топшириш ишлари якунига етди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Соғлом авлод» давлат дастури ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш давлат дастурида кўзда тутилган кенг миқёсдаги тадбирлар мажмуи амалга оширилди.

Барча вилоятларда Шошилинч тиббий ёрдам маркази филиаллари ишга тушди, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғи кенгайтирилди. Олти ёшгача бўлган болаларнинг деярли барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди. Скрининг-марказ ташкил этиш дастури амалга оширилди.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугун иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман. Ҳаётимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар тўғрисидаги бор ҳақиқатни — шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгараётгани, янги-янги ишлаб чиқариш ва маиший иншоотлар, ижтимоий соҳадаги ютуқлар, энг муҳими, халқимизнинг келажакка қатъий ишонч билан яшаётгани аниқ кўрсатиб турибди.

Биз ўтган йил якунларига баҳо берар эканмиз, биринчи галда, қандай вазифаларни амалга ошира олмаганимиз, қандай хато ва камчиликларга йўл қўйганимиз; уларни бартараф этиш учун бугун нималар қилишимиз лозимлигини аниқлаб олишимиз, улар тўғрисида очиқ-ойдин гапиришимиз керак. Халқимиз биздан шуни кутмоқда.

Ўтган йил қишлоқ хўжалиги учун қанчалик оғир келгани барчамизга маълум. Ноқулай об-ҳаво шароити, сув тақчиллиги ва бошқа сабаблар оқибатида мамлакатимизда пахта хомашёси, шоли, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари белгиланганидан анча кам бўлди.

Натижада мамлакатимиз учун зарур ва ҳаётий бўлган муҳим маҳсулотларнинг миқдори камайибгина қолмасдан, валюта ресурслари тушумининг қисқариши туфайли ҳам катта зарар кўрдик. Буни ҳам очиқ айтишимиз керак.

Экспорт ҳажмларини кенгайтириш ва халқаро бозорга чиқиш борасида ҳам жиддий муаммолар мавжуд.

Экспортга маҳсулот чиқариш бўйича «Ўзэлтехсаноат», «Ўзмашсаноат», «Ўзкимёсаноат» уюшмалари, «Махсусқотишма» республика бирлашмаси, Чкалов номидаги Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Кўмир» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзгўштсутсаноат» давлат ҳиссадорлик уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат — холдинг», «Ўзбекмебель» давлат ҳиссадорлик жамияти, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзавтойўл» ва «Ўзфармсаноат» давлат ҳиссадорлик компанияларига қарашли корхоналар прогноз кўрсаткичларининг ижросини таъминлай олмади.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ҳамда бутловчи қисмларни ўзимизда мавжуд хомашёдан ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича дастур сусткашлик билан амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар «Ўзагромашсервис» уюшмаси, «Кўмир» ҳиссадорлик жамияти ҳамда Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари корхоналарида, айниқса, қониқарсиз ташкил этилган.

Ваҳоланки, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича енгил саноат, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, металлургия саноатларида ишга солинмаган катта-катта имкониятлар мавжуд.

Республикамизнинг ҳар бир туманида хорижий сармояни жалб қилган ҳолда маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган, янги иш ўринлари ташкил этиш имконини берадиган қўшма корхоналар очиш дастурида кўзда тутилган ишлар қийинчилик билан, ниҳоятда секин олиб бориляпти.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиман: кўпгина ҳокимликларимиз, тегишли тармоқлар, идора ва тузилмаларнинг мутасадди раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилги мажлисидаги қатъий огоҳлантиришдан ўзларига зарур хулоса чиқариб, бу борадаги шахсий масъулиятни ҳали-бери тўла англаб етмаганга ўхшайди.

2000 йилда хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган 152 та корхонадан 74 таси ёки деярли ярми Тошкент шаҳрига тўғри келади. Кўпгина туманларда ҳануз қўшма корхоналар ташкил этилмаган. Чамаси, улар бу ишни ташқаридан кимдир келиб қилиб беради, деган ҳаёл билан қўл қовуштириб ўтиribди.

Тан олиш лозимки, 2000 йил кўп жиҳатдан, аввалambор, мураккаб об-ҳаво шароити, қурғоқчилик ва сув тақчиллиги сабабли биз учун ноқулай келди.

Ёғингарчилик кам бўлганидан Амударё ва бошқа ички сув манбаларимизда сув миқдори зарурий меъёр даражасининг 25-40 фоизини ташкил этди, холос. Натижада республикамизнинг катта-катта майдонларида сўнгги юз йилда кузатилмаган қаттиқ қурғоқчилик рўй берди.

Буғдой ҳосилини сақлаб қолиш мақсадида сув омборларининг кўп йиллик ва мавсумий сув захиралари ёз бошларидаёқ сарфлаб бўлинган эди. Туямўйин сув омборининг захиралари ҳам тўлиқ сарфланди. Оқибатда шимолий ҳудудларимизнинг 50 фоизидан ортиғида экинларни суғориш имконияти қолмади, аҳолини ичимлик сув билан таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келдик.

Биргина Қорақалпоғистоннинг ўзида қурғоқчилик сабабли 210 минг гектар ёки барча экин майдонларининг 45 фоизида ҳосил нобуд бўлди. 116 минг гектар шоли экинидан атиги 15 минг гектари сақлаб қолинди, холос.

Хоразм вилоятида ҳам аҳвол мана шундай оғир бўлди. Бу ерда 65 минг гектар майдондаги экин қуриб қолди. Бунга қўшимча равишда кўплаб чорва моллари ҳам нобуд бўлди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 16 миллиард сўмга яқин, Хоразм вилояти бўйича 11 миллиард сўмдан зиёд зарар кўрилди.

Қурғоқчиликнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, майдонларни экишга тайёрлаш ишларининг ўз вақтида бажарилишига шароит туғдириш мақсадида ҳукумат томонидан, айтиш мумкинки, мисли кўрилмаган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биринчидан, кўрилган зарарни қоплаш учун ўтган йил якунлари бўйича 2,6 миллиард сўмдан ортиқ суғурта маблағлари тўланди.

(Давоми 2-бетда)

ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2000 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА 2001 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иккинчидан, 2000 йилда қурғоқчилик ва сув танқислиги натижасида зарар кўрган хўжаликларнинг 41 миллиард сўмга яқин қарзларини истисно тариқасида кечиб юбориш бўйича қарор қабул қилдик.

Бу хўжаликларга 1998-99 йилларда етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар учун 30 миллиард сўм кредиторлик қарзларининг тўлов муддати 2003 йилдан бошланадиган қилиб 8 йилга узайтирилди.

Учинчидан, хўжаликларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича 2001 йил 1 январгача йиғилиб қолган қарзларидан, шунингдек, 2000 йил ҳосили ҳисобидан олинган аванслари бўйича қопланмайдиган қарзларининг бир қисмидан ҳам кечиб юборишга тўғри келади.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бундай катта миқёсдаги табиий офатдан зарар кўрган хўжалик ва деҳқонларга бу даражада ёрдам бериш ва мадад кўрсатишга фақат иқтисодиёти барқарор ва ишончли тарзда ривожланаётган давлатгина қодир бўлади, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам менинг бу фикримга қўшиласиз.

Сув танқислиги ва ноқулай об-ҳаво шароити натижасида 2000 йилни зарар билан якунлаган 59 та хўжаликнинг санация муддатини, истисно тариқасида, яна бир йилга узайтиришга ҳамда 2001 йилдан бошлаб яна 76 та қишлоқ хўжалик корхонасини қўшимча равишда санацияга тортишга қарор қилинди.

Ҳукумат томонидан кўрилган ва кўрилаётган чора-тадбирлар пировард натижада ўтган йил сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, аввало қишлоқ меҳнаткашларининг аҳволини енгиллатишга қаратилган.

Шунингдек, бу тадбирлар, афтидан, унчалик енгил келмайдиган 2001 йил ҳосили учун бажариладиган қишлоқ хўжалик ишларини самарали амалга ошириш мақсадида зарур молиявий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишни ҳам кўзда тутади.

Бугун ўтган қишлоқ хўжалик йилини якунлаб, ишларимизнинг натижасига таъсир кўрсатган объектив ва субъектив сабабларга танқидий баҳо берар эканмиз, менинг назаримда, кейинги бир неча йил мобайнида қишлоқ хўжалик соҳасининг самарадорлиги ва маҳсулдорлигига салбий таъсир этиб келаётган айрим ўта муҳим омилларга тўхталиб ўтиш жуда зарур, деб ҳисоблайман.

Шуни унутмаслигимиз керакки, биз ҳосилимизнинг 90 фоиздан ортиғини суғориладиган ерлардан оламиз. Шу боис ҳам ирригация ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммолари биз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Таҳлиллар эса айни шу масалаларга оид кўплаб ечими топилмаган муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда суғориладиган ерларнинг деярли 50 фоизини таъмирлаб, мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб этилади. Шўрланган ер майдони кўпайиб, ҳозирги пайтда улар 2 миллион гектарни ташкил қилади. Хўжаликлар ҳудудидаги ариқ ва зовурларни тозалаш ишлари талаб даражасининг 60-70 фоизидан ошмаяпти.

Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 35-40 фоизни, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида эса 30-60 фоизни ташкил этмоқда. Ёпиқ горизонтал дренажларни қайта тиклаш ишлари ўта қониқарсиз олиб борилмоқда. Жами 39 минг километр узунликдаги ана шундай дренажларнинг бор-йўғи 1,5 минг километри тозаланиб, қайта таъмирланган, холос.

Насос станцияларининг кўпчилиги бундан 25 йил аввал қурилган бўлиб, бугунги кунда уларни ишлатиш муддатлари ўтиб бормоқда. Суғориладиган ерларни таъмирлаш ва каналларни бетонлаш ишлари ҳажми камайиб кетган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари, хўжаликларнинг ўзлари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга етарли аҳамият бермаяптилар. Бу борадаги ишлар изчил олиб борилаётгани йўқ. Илгаридан суғориб келинаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда янги ерларни ўзлаштириш, коллектор-дренаж тармоқларини қайта тиклаш бўйича молиявий манбалари белгиланган, истиқболга мўлжаллаб тузилган аниқ дастур йўқ, десак хато бўлмайди. Мелиоратив мақсадларни амалга оширишга чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳамда янги тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш бўйича деярли иш олиб борилмаяпти.

Шўрланган ерларни ҳар йилги кузда-қишда ювиш ишлари мутлақо сифатсиз бажарилмоқда.

Ҳаётнинг ўзи биздан бу муҳим соҳадаги ишларимизга бўлган муносабатимизни тубдан қайта кўриб чиқишни кескин талаб қилмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигининг тақдири, демакки, энг муҳим ижтимоий, иқтисодий муаммоларимизнинг ҳал этилиши, пировард натижада, мамлакатимиз озиқ-овқат таъминоти хавфсизлиги бу борадаги ишларимизнинг кўлами ва самарадорлиги билан боғлиқ.

Мана шу ҳолатларни инобатга олиб, Агросаноат комплекси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат ер қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, банклар ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2001-2005 йилларга ва 2010 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши зарур.

Мазкур дастурни тайёрлашда, энг аввало, хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ва уларни ишга яроқли ҳолда сақлашга, магистрал коллекторларни қайта тиклаш, насос станцияларини қуриш ва таъмирлашга, шунингдек, Қарши магистрал канали объектлари ва бошқаларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугун яна бир ўта муҳим масалага тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Кейинги йилларда иқтисодиётнинг кўпгина соҳа ва тармоқларини ислоҳ қилиш, уларни бозор муносабатлари шароитида ишлашга ўтказиш, маҳаллий ҳудудий органлар ва хўжалик субъектларига кўпроқ эркинлик бериш бўйича бир қатор муҳим дастурлар қабул қилинди. Шунга биноан, бу тармоқларни бошқариш органлари ҳам ўзгарди: уларнинг бир қисми, хусусан, «Ўзколхозқурилиш», «Ўзагроқурилиш», «Ўзсаноатгражданқурилиш», «Ўзсувқурилиш» ва бошқалар умуман тугатилди, айримлари бошқа шаклда қайта тузилди (масалан, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги), баъзиларининг эса бошқарув тузилмаси жиддий ўзгартирилди (масалан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги).

Аммо, танқидий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу тармоқ ва соҳалардаги ислоҳотлар жараёни ўта суст, юзаки ҳолда бормоқда. Кўпинча амалга оширилаётган ўзгариш ва ислоҳотларнинг асл моҳиятини ижрочиларнинг ўзлари ҳам охиригача тушуниб, англаб етмаяпти. Амалда бошқарув тузилмаси ва шакли ўзгарган бўлса-да, кўпинча ишнинг бевосита мазмун-моҳияти ўзгармай қолаётган ҳоллар учраб турибди.

Лўнда қилиб айтганда, бу ўзгаришлар, афсуски, биз олдимизга қўйган бош мақсад-муддаога, яъни ўзини оқламаган ва касодга учраган, марказдан режалаштириладиган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиш, жойлардаги тузилмаларга кўпроқ эркинлик бериш, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига хос усул-услубларини жорий этишга олиб келмаяпти.

Бу камчиликларнинг барчасини қурилиш комплекси ёки коммунал хўжалиги фаолияти мисолида кўриш мумкин. Ҳолбуки, мазкур тармоқларда ислоҳот дастурлари биринчи йили амалга оширилаётгани йўқ. Кўплаб қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганига, янги бошқарув тузилмалари яратилганига қарамасдан, афсуски, ишда ҳозиргача сезиларли натижа кўзга ташланмаяпти. Агар, айтайлик, қурилишда мулкчилик масаласи амалда ҳал қилинмаса, хусусий ёки ҳақиқий ҳиссадорлик мулки асосида пудратчи қурилиш ташкилотлари тузилмаса, пудрат ишлари дастурларини шакллантириш ва буюртмалар бериш тамойиллари ўзгартирилмаса, моддий-техникавий таъминот муаммоси тубдан ҳал этилмаса, бажарилган ишларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ масалалар бозор талаблари асосида ечилмаса, табиийки, бундай ҳолатлар бошқарув тизимини такомиллаштириш ва ихчамлаштириш, ортиқча бўғинларни тугатиш борасида олиб борилаётган барча ишларимизнинг қадр-қимматини тушириб, мутлақо обрўсизлантириб қўйиши мумкин.

Бугун бизда улгуржи ва биржа савдосининг самарасиз, очиғини айтсам, номақбул тизими амал қилмоқда. Савдо-сотиқнинг буйруқбозлик асосига қурилган эски «госснаб»ча усули устунлик қилмоқда, яъни нарх-наво, моддий ресурс ва бутловчи қисмлар сотувчилар ва истеъмолчилар ўртасида олдиндан белгилаб олинмоқда, энг ёмони, харидорни танлаш имконидан бутунлай маҳрум қилиб қўйилмоқда.

Аҳвол шу даражага бориб етмоқдаки, буларнинг барчаси қурилиш бўлинмаларининг айрим раҳбарларида олдинги замонни қўмсаш кайфиятини пайдо қилмоқда. Ҳатто, Вазирлар Маҳкамаси қошида «Госснаб» ёки «Главснаб» тузилса бўлмасмикан, деган мазмундаги таклифлар ҳам билдирилмоқда.

Шу ўринда эслатиб ўтмоқчиман: биз товар-моддий бойликларни фондлар орқали тақсимловчи «Госснаб»дан нега воз кечдик? Жавоб жуда оддий. «Госснаб» тизимида маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи аввал-бошдан бир-бирига қаттиқ боғлаб қўйилар эди. Нархлар олдиндан белгиланиб, амалда харидорда танлаш имконияти ҳам, рақобат ҳам йўқ эди, талаб ва таклиф мувозанатига асосланган бозор механизмлари эса ишламас эди.

Бир сўз билан айтганда, режали тақсимот тизимининг бир қисми бўлган «Госснаб» ўз моҳиятига кўра ўта номақбул ва танқиддан тубан бир тузилма эди.

Ҳозирги вақтда моддий ресурслар савдоси асосан марказда амалга ошириляпти. Товар айланмасининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи Тошкент шаҳрида жойлашган биржалар ҳиссасига тўғри келади.

Товар айланмасининг сустлиги қўшимча харажатлар кўпайиши ва шунга мос равишда устама нархларнинг ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида биржалар орқали товар сотиб олишни манфаатсиз бир ишга айлантиряпти.

Шуни ҳам айтиш керакки, биржа ва ярмарка савдолари талаб даражасида ўтказилмайди, брокерларнинг малакаси ҳамон пастлигича қолмоқда. Бу гап, айниқса, вилоятлардаги товар-хомашё биржалари фаолиятига тааллуқли. Олди-сотди битимларининг кўпчилиги биржаларнинг савдо сессияларида эмас, балки улардан ташқарида амалга оширилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, товар-хомашё биржаларининг бутун тизимини тубдан қайта ташкил этиш зарур. Ҳукумат (Ў. Султонов), Давлат мулк қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Адлия вазирлиги барча манфаатдор томонлар иштирокида улгуржи-биржа савдоси ҳолатини инвентаризациядан ўтказсин ва унинг ҳолатига танқидий баҳо берсин ҳамда икки ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасининг бу масала бўйича қарорини тайёрлаб, қабул қилсин. Шунингдек, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунга зарур ўзгартиришларни Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

Коммунал хўжалиги фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Кейинги йилларда бу соҳада бирмунча ишлар қилинганига қарамасдан, ягона буюртмачи хизматини шакллантириш, уй-жой эгалари ширкатларини тузиш бўйича бошланган ислоҳотлар шу пайтгача ҳам охирига етказилгани йўқ. Кўп қаватли уйларнинг фақат 50 фоизидагина уй-жой эгалари ширкатлари тузилган, холос.

Коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича уй-жой эгалари ширкатлари ва маҳалла қўмиталарининг вазифалари ҳамда уларни рағбатлантириш тизими аниқ белгиланмаган.

Коммунал хизматлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш бўйича жамоа масъулияти тизими яхши самара бераётган туманларнинг тажрибалари жойларда кенг ёйилмаяпти.

Аҳолининг коммунал хизматлар учун қарзлари ҳамон юқори даражада қолмоқда. Бу ҳол, айниқса, Бухоро, Фарғона, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрига тааллуқлидир. Вилоятлар орасида коммунал хизматларга белгиланган тарифларнинг асоссиз равишда бир-биридан фарқ қиладиган ҳолатлари ҳам мавжуд.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси (Ў. Султонов) «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика, Молия ва Адлия вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан биргаликда **бир ой муддат ичида коммунал хизмат кўрсатишни ислоҳ қилиш, унинг тузилмалари, ишлаш механизмини қайта ташкил этиш бўйича қабул қилинган қонуний ва меъёрий ҳужжатларни чуқур таҳлил қилсин ва бугунги кунда коммунал хўжаликларнинг фаолияти бозор иқтисодиёти талабларига нечоғли жавоб бераётганига қатъий баҳо берсин ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилсин.** Тегишли кодекслар, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрласин.

Бунда кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишнинг амалий ва ихчам тизимини яратиш ҳамда квартира, электр энергияси, коммунал хизмати учун ҳақларни ўз вақтида тўлаш масъулиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилсин.

Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида коммунал хўжалиги ва ширкатлар ишини ислоҳ қилиш бўйича доимий семинарлар ташкил этилсин.

Энди экспорт масалалари ҳақида.

Сўнгги йилларда бу соҳада қабул қилинган бир қатор муҳим рағбатлантирувчи тадбир ва чоралар ўзининг ижобий самарасини берди. Аммо бугун экспорт соҳасидаги қайси имтиёзлар ва рағбатлантирувчи омиллар самара бераётгани, қайсилари эса наф келтирмаётганини яна бир карра батафсил, танқидий кўз билан қараб чиқиш даркор. Ва шу асосда экспортга маҳсулот чиқарадиганлар учун янада манфаатли бўлган, уларнинг қизиқишларини янада оширадиган шароит яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш керак. Корхоналарнинг йўналишини кескин ўзгартириш, уларни доимий равишда экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбатлантирадиган кучли омилларни вужудга келтириш лозим.

Биз энг муҳим бир фикрни чуқур англаб олишимиз зарур — фақат экспортнинг ўсишигина валюта тушумлари келтиради, фақат шу асосдагина ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан янгилаш масаласини ҳал этиш мумкин.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилмасдан, технология ва асбоб-ускуналарни доимий равишда янгиламасдан туриб ҳозирги кунда бирон-бир замонавий ишлаб чиқариш корхонаси рақобатга бардош беролмайди, ўз истиқболини кўра олмайди.

Ҳозирга қадар экспорт йўлида тўғаноқ бўлиб келаётган тўсиқларни яна бир бор кўриб чиқиш ва бартараф этиш зарур, деб ҳисоблайман. Бож тўловлари ва акцизлар миқдорини қайтадан кўриб чиқиш, бу соҳага солиқ таъсири қай даражада эканлигини аниқлаш, уларнинг мунтазам равишда камайиб боришига эришиш лозим.

Экспорт йўлидаги энг катта ғовлардан бири — Ўзбекистоннинг ташқи бозорлардан узоқлигидир. Табиийки, бундай шароитда транспорт харажатларини камайтиришга доир қўшимча чоралар кўриш керак.

Ўйлайманки, зарур ҳолатларда экспортни рағбатлантириш ва маҳсулотларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқарувчиларга тегишли ҳуқуқларни берадиган барча оқилона чора-тадбирларни қўллаш мумкин ва уларни қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш даркор.

Ҳукумат бир ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига маҳсулот экспорт қилишни қўшимча рағбатлантириш, экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарга имтиёзлар бериш юзасидан қарор лойиҳасини киритсин.

Биз ўзимизга яхши тасаввур қиламизки, экспортга маҳсулот чиқарищни рағбатлантиришнинг энг муҳим шарти, бу — валюта сиёсатини эркинлаштириш йўлидаги ишларни изчил давом эттиришдир.

Бу борада ҳам биз ўз аниқ ва равшан дастуримизга эгамиз. Мазкур дастур, биринчи навбатда, валюта курсларини унификациялаш жараёнини чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш, валюта айирбошлаш операциялари миқёсини кўпайтириш бўйича ўтган йилдан бошланган амалий ишларни ўз ичига олади.

Биз бундан буён ҳам жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертацияга тезроқ ўтиш учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган сиёсатни қатъийлик ва собитқадамлик билан амалга ошираверамиз.

Албатта, бу жараённи шакллантириш ва тезлаштириш муайян кафолатларни назарда тутишни тақозо этади. Бу кафолатлар аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш, валюта курсининг кескин тушиб кетиши билан боғлиқ кўпдан-кўп салбий оқибатларнинг олдини олиш имкониятини бериши лозим.

Биз бу масалада асосий вазифамизни қуйидагилардан иборат деб биламиз:

аввало, миллий валютамизнинг тўла конвертациялашга ўтиш жараёни ижобий кечишини таъминлаш ва кафолатлаш мақсадида валюта ресурсларини излаб топиш учун барча халқаро молиявий тузилмалар билан амалий ҳамкорлик қилиш.

Иккинчидан, валюта айирбошлаш операцияларида қатнашувчи банклар ва айирбошлаш шохобчалари сонини кескин кўпайтириш, шу тариқа айирбошлаш шохобчалари орқали валюта сотиш ҳажмини ошириш учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш.

Учинчидан, айирбошлаш шохобчаларида валюта айирбошлаш операциялари ҳажмининг ўсишини инобатга олган ҳолда, валюта сотиш шартлари ва талабларини эркинлаштириш, яъни валюта сотишдаги чеклашларни босқичма-босқич камайтириб бориш.

Қадрли дўстлар!

Республикада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш бундан буён ҳам бизнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифамиз бўлиб қолаверади.

Шу мақсадда Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси тижорат банклари билан биргаликда банкларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш бўйича ўз таклифларини кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишни тезлаштиришлари зарур.

Бунда ўз маблағлари ҳисобидан истиқболли тармоқлар ва ҳудудларни инвестициялаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратишда улуши юқори бўлган банкларга солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилиши керак.

Ўзини оқлаган микрокредитлар сонини кўпайтириш ва бу ишни кенг кўламда амалга ошириш лозим.

Ички кредит манбаларини сафарбар этиш чора-тадбирлари билан биргаликда хорижий сармояларни рағбатлантиришга хизмат қиладиган қулай муҳит яратиш масаласи биз учун ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Шу маънода, ҳукуматимизга яқин вақт ичида Тошкентда Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатаётган ҳамда келгусида биз билан ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган сармоядорлар иштирокида анжуман ўтказиш вазифасини топшириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу анжуманда муҳокама қилиниши лозим бўлган мамлакатимизга янги сармоялар оқими келиши йўлидаги тўсиқ ва чеклашларни олиб ташлаш бўйича ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжуд.

Азиз дўстлар!

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлида асосий тўсиқ бўлиб турган принципиал масалалар ҳақида тўхталганда, бу ҳақда қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда, бозор муносабатларини шартнома мажбуриятларисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ёдда тутиш лозим.

Шуни тан олиш керакки, бу масала, **яъни шартномаларни тўғри тузиш ва бажарилишини таъминлаш иқтисодиётни ислоҳ этиш тизимида, айниқса, қишлоқ жойларида энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда.**

Хўжалик шартномалари номигагина тузилаётгани ҳақида, уларда томонларнинг мажбуриятлари, етказилган зарарни ундириб олиш чоралари аниқ акс этмаётгани тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бундан ташқари, ўз ҳуқуқларини яхши билмаслик натижасида томонлардан бирининг манфаатларига зид бўлган кўп ҳолларда кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар, фермер ва ижарачилар зарарига шартномалар тузилаётгани ҳақида кўплаб далиллар мавжуд.

Шунингдек, ижарачилар билан хўжаликлар ўртасида фақат хўжаликларнинг фойдасини кўзлаб тузилаётган, уларнинг моддий ресурсларни ўз вақтида етказиб бериш, агротехник тадбирларни амалга ошириш ва бошқа масалалар бўйича ижарачи олдидаги жавобгарлиги аниқ белгиланмаган минглаб шартномаларни ҳам мисол келтириш мумкин.

Кўпинча шартномаларни ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик нуқтаи назаридан тўғри расмийлаштириш талаблари бузилмоқда, улардаги шартларни, нарх ва бошқа шартнома муносабатларини тартибга солувчи меъёрларни аниқ акс эттириш билан боғлиқ оддий қонунларга ҳам риоя қилинмаяпти.

Биз бу ерда ўз эътирозларимизни, биринчи галда хўжалик судларига, Олий хўжалик судига айтишимиз керак. Улар ҳали ҳам шартнома муносабатларига киришган томонларнинг манфаат ва ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қиладиган тузилмага айлана олгани йўқ.

Адлия вазирлиги шартномаларнинг бузилиши бўйича ҳар бир ҳолатнинг далил ва сабабларини чуқур ўрганиши, унинг тагига етиб бориши, шартнома муносабатларини тартибга солиш, қонунийлик нуқтаи назаридан томонларнинг шартномаларни тўғри тузиш, энг муҳими, уларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариши даркор.

Оммавий ахборот воситалари ва телевидение имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, одамларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича иш олиб бориш зарур.

Фурсатдан фойдаланиб, **мен хўжалик юритувчи субъектларни, биринчи навбатда, тадбиркорлик соҳасини назорат қилувчи идоралар томонидан ортиқча текширишларга йўл қўймаслик, бу борадаги ишларни тартибга солиш зарурлигини яна бир карра таъкидлашни истардим.** Бу иш 2001 йилда сезиларли даражада кучайтирилиши керак.

Бу кўп жиҳатдан Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятига боғлиқ.

Муҳтарам дўстлар!

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши билан боғлиқ ишларга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу дастурнинг мамлакатимиз келажаги учун нечоғли аҳамиятга эга экани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Биз бугун мазкур дастур доирасида бажарилган ишларни танқидий баҳолашимиз, бу йўлда қандай муаммоларга дуч келганимизни, дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларни тўла амалга ошириш учун яна қандай чора-тадбирлар кўришимиз зарурлигини аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Мамлакатимизда 1998-2000 йиллар мобайнида 160 минг ўқувчига мўлжалланган 47 та академик лицей ва 260 та касб-ҳунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу мақсадлар учун 135 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Кейинги икки йилда лицей ва коллежларни ўқув-лаборатория қуроллари, таълимнинг техник воситалари, машина ва механизмлар билан жиҳозлаш учун республика бюджетидан 6 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди. Шу мақсадда Корея Республикаси ва Осиё Тараққиёт банкининг кредитлари жалб қилинди, Япония ҳукумати билан кредит ажратиш масаласи ҳал этилмоқда. Умуман олганда, ўрта махсус ўқув юртларига зарур бўлган жиҳозлар сотиб олиш учун жалб қилинган чет эл инвестицияларининг миқдори 150 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Республикамизда янги турдаги таълим муассасалари учун мўлжалланган ўқув-услубий база шаклланмоқда. Бу борада 11 йўналишдаги 72 та Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига татбиқ этилди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида 223 та психологик-педагогик диагностика ва ўқувчиларни касбга йўналтириш марказлари тузилди. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга мўлжалланган 38 та ихтисослашган марказлар ташкил қилинди. Кейинги уч йил давомида 14 минг ўқитувчи бу марказларда ўз малакасини оширди.

Бир сўз билан айтганда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга муваффақиятли жорий этиш учун барча асослар яратилмоқда. Шу билан бирга, тўпланган тажриба ва мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, бу борада олдимизда турган вазифаларни ечиш учун янгича ёндашувларни излаб топиш лозим. **Бунда асосий эътиборни сифат масаласига, ажратилаётган ресурслар ва моддий база имкониятларидан янада самарали фойдаланишга қаратиш даркор.**

Бугунги кунда маблағлар ва ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ишга туширилиш муддати билан боғлиқ кўрсаткичларга муайян ўзгаришлар киритиш зарурати пайдо бўлди. Бунда, айниқса, қишлоқ жойларидаги умумтаълим мактабларининг бўшаган ва фойдаланилмаётган бошқа биноларни реконструкция қилиш, улар асосида янги коллежлар барпо этиш ишларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Янги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва 2005 йилгача лицей ҳамда коллежларни улар билан тўла таъминлаш мақсадида аниқ дастур ишлаб чиқиш зарур.

Коллежлардаги ўқитувчилар таркибининг савияси ва малакасини ошириш масаласи жиддий эътибор беришни талаб қилади. Энг янги, замонавий ўқув воситалари билан таъминланган коллежларда эскидан қолган ўқитиш услубларининг давом этишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Энг муҳими, замонавий коллеж ва лицейларда таълим-тарбия ишларини бугунги замон талабига жавоб берадиган юксак малакали, фидойи ўқитувчи ва мураббийлар олиб бориши зарур.

Жойларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг янги шаклдаги таълим муассасаси том маънодаги маданий-маърифий ва маънавий марказ бўлишига эришиш даркор.

Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси (Р.Азимов), Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда, юқорида зикр этилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда бу соҳадаги ишларимизнинг ютуқ ва камчиликлари аниқ кўрсатилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг 1998-2000 йиллардаги натижалари тўғрисида» ҳисобот тайёрласин ва кўриб чиқиш учун киритсин.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Яқинда бўлиб ўтган Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида иқтисодиётимизнинг ҳозирги аҳволи танқидий таҳлил этилиб, ўтиш даврида биз учун принципиал аҳамиятга эга бўлган энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб олинган эди.

Бу устувор йўналишларнинг маъно-моҳияти иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузада баён қилинган жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини, биринчи галда, иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш стратегиясидан келиб чиқади.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, жамият ҳаётини ҳар томонлама эркинлаштириш борасидаги бу стратегик вазифалар Ўзбекистонда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган изчил сиёсат ифодасидир. Булар шундай принципиал вазифаларки, биз уларнинг атрофида демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, бозор иқтисодиётини шакллантириш учун барча сиёсий ва ижтимоий кучларни бирлаштиришга эришмоғимиз лозим.

Вазирликлар, идоралар, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда корхона ва муассасаларнинг бугунги кундаги ва келажакдаги бутун фаолияти бундан буён ҳам ана шу устувор вазифаларни бажаришга қаратилмоғи зарур.

Бизнинг дастурларимиз, жумладан, жорий йилга мўлжалланган режаларимиз ҳам ана шу стратегик ва узоқ муддатли вазифалар асосида шаклланиши даркор.

2001 йилга мўлжалланган дастурни амалга оширишда биз қайси масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим?

Биринчидан, макроиқтисодий мутаносибликни ва ўтган йили бошимизга тушган қийинчиликларни назарда тутган ҳолда, барқарор иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш биз учун биринчи галдаги муҳим вазифа бўлиб қолиши табиийдир.

Бунга эришиш учун қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, солиқ тушумларини таъминлаш, инфляция ва нақд пул эмиссияси даражасининг кўзда тутилган доирадан ва пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан четга чиқишига йўл қўймаслик ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан — товарлар, ишлар ва хизматлар бозорида рақобат муҳитини яратиш ва монополиядан чиқариш билан боғлиқ масалалар ечимини якунига етказиш зарур. Биз учун бу масала кун сайин янада кўпроқ долзарблик касб этмоқда, чунки уларни ҳал этмасдан туриб, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини, ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини таъминлаб бўлмайди.

Бу бугунги кунда бозор ислоҳотлари йўлидан ривожланишнинг муҳим таркибий шартига айланиб бормоқда.

Шунинг учун бу борада халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари, аввало, табиий монополиялар деб аталадиган энергетика, темирйўл транспорти, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, пахта тозалаш ва кимё саноати, коммунал хўжалиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув тизимини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни охирига етказиш лозим.

Шундай тизимни яратиш зарурки, токи бу тизим корхоналар ва тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини кескин чегаралаш имконини берсин.

Учинчи муҳим вазифа бу — қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарасини оширишдан иборат. Ўтган йили қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, хўжаликларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди.

Буларнинг барчаси, аввало, деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнати ва етиштирган маҳсулоти учун тўланадиган ҳақни ўз вақтида олиш имконига эга бўлишларига қаратилган.

Бошлаган хайрли ишларимиз қаторидан муҳим ўрин олаётган масала — қишлоқ хўжалигини зарур техника ва транспорт воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизимини ташкил қилишдан иборатдир.

Бу борада барча манфаатдор тузилмаларни ҳаракатга келтириш ўта муҳимдир. Молия вазирлиги, «Пахтабанк», «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг», машина-трактор парклари ва табиийки, янгитдан ташкил этилган тузилма — «Ўзагромашлизинг»нинг ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлаш зарур.

Қишлоқ хўжалиги ҳақида гап борар экан, биз қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш борасида орттирган тажрибамизни, унинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини назардан соқит қилмаган ҳолда, ҳар томонлама холис баҳолашимиз керак.

Жойларда, аввало, ҳокимликлар аниқ мақсадларга қаратилган ўз вазифаларини чуқур англаб, тегишли хулосалар чиқаришлари лозим. Бу борада ҳал қилувчи масалалардан бири — санацияга тортилган хўжаликларнинг ташқи бошқарувчилари лавозимига тайёргарликдан ўтган, **ўз ишини пухта биладиган одамлар тайинланишига эришишдир.**

Мен бугун барча ҳокимларни, хўжаликлар ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарларини огоҳлантириб айтмоқчиман: жорий йилдаги биз учун мураккаб бўлган шароитда олдимизда турган ишларни тўғри ташкил этиш учун зарур ташаббус ва тадбиркорлик кўрсатиш даркор.

Яна ва яна бир бор сизларнинг эътиборингизни ҳал қилувчи — муҳим бир масалага жалб этмоқчиман. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уруғлик чигитни саралаш ва навларни районлаштириш ишларини такомиллаштириш, агротехника талабларига риоя қилиш — буларнинг барчаси ўз йўли билан давом этади, албатта.

Лекин бугун қишлоқ хўжалик соҳасининг барча муаммолари мулк масаласининг ечимига боғлиқ бўлиб турганини ҳаммамиз яхши англаб олишимиз лозим. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиши керак.

Хўжаликларни ширкатларга айлантириш, мулкий пайчилик, хўжалик ичида оилавий пудрат муносабатларини жорий этиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган барча ишлар айнан мана шу мақсадга қаратилиши лозим.

Тўртинчи муҳим масала — хусусий тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнес ривожи учун қулай шароит яратишдан иборат. Бу соҳада кўп ишлар қилинмоқда.

Айни пайтда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси барча қонуний ва меъёрий ҳужжатларни, умуман, бу борада бизда ишлаб чиқилган ҳамма ҳужжатларни синчиклаб қайта кўриб, ҳисоботдан ўтказсин.

Ана шу ишларнинг натижаси сифатида бугунги кунда самара бераётган тажрибаларни янада рағбатлантириш ва кенг ёйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бешинчи вазифа — яна бир бор такрорламоқчиманки, **бу инвестицияларни рағбатлантириш масаласидир.**

Инвестицияларни излаб топиш, бўлғуси сармоядорлар билан алоқа ўрнатиш, қўшма корхоналар очиш, сармоядорлар учун қулай шарт-шароит яратиб бериш Ҳукуматдан тортиб хўжалик юритувчи субъектгача — ҳаммамизнинг умумий ишимизга айланиши лозим.

Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур.

Олтинчи муҳим вазифа — юқорида исботлаб берилган масала — экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш ва миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлашдир.

Бу вазифа бугунги кунда энг долзарб бўлиб, уни ҳал этмасдан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳақида сўз юритиб бўлмайди.

Қадрли дўстлар!

Биз янги аср, янги минг йилликка қадам қўйдик. Янги юзйилликнинг биз учун қандай бўлиши 2001 йилда олдимизда турган вазифаларни нечоғли адо этишимизга боғлиқ. Биз жамиятни янгилаш, ислоҳотларни изчил амалга ошириш бўйича аниқ-равшан ва ҳар томонлама пухта ўйланган дастурга эгамиз. Бу дастурнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан унинг бутун жамиятимиз, ҳар биримизнинг асосий ишимизга айланишига боғлиқ.

Ана шу дастурни рўёбга чиқариш, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларида қонунчилик ва адолат тамойилларига риоя қилиш борасида жамоатчилик назоратини кучайтириш катта аҳамият касб этади.

Бошқача айтганда, ҳар бир киши мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар учун ўз масъулиятини янада чуқурроқ ҳис этиши лозим. Ҳар бир фуқаро оддий кузатувчи ва истеъмолчи бўлиб қолмасдан, жамиятимизда рўй бераётган ислоҳот ва демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши даркор.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Пахтаобод туман партия кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этишда, туман ҳокимлиги билан ҳамкорлик қилиб, бошланғич партия ташкилотларида йиғилишлар ўтказмоқда. Учрашувларда вилоят партия кенгаши тарғиботчилар гуруҳи аъзолари — Андижон давлат муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори А. Тўхтаев, Андижон давлат университети доценти А. Мадумаровлар маърузалар билан иштирок этмоқдалар.

* * *

Халқ депутатлари Зарбдор туман кенгашида, ХДП депутатлар гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар фаолиятини кучайтириш тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама этилди.

* * *

ХДП Чортоқ туман кенгаши ҳузуридаги «Ёшлар клуби»нинг навбатдаги йиғилиши, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг, жорий йил 24 январда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган, нутқи мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Жомбой туман кенгашида, Алишер Навоийнинг 560 йиллик таваллудига бағишланган, тадбир ўтказилди. Унда «Алишер Навоий ва Темурийлар даври маънавияти» мавзуида, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти директори, тарих фанлари доктори, профессор Ашраф Аҳмедов ҳамда, «Алишер Навоий— илм-фан ҳомийси» мавзуида, Самарқанд давлат университети Ўзбекистон тарихини ўрганиш маркази раҳбари Р. Юсупов маъруза қилдилар. Кечада, ижодкор ёшлар томонидан, Алишер Навоий асарлари асосида яратилган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Пешку туман кенгаши ташаббуси билан, тумандаги Ибн Сино ширкат хўжалигида, Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган, кеча ўтказилди. Унда Навоийнинг ғазал ва рубоийларидан парчалар ўқиб, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

* * *

Зарафшон шаҳар партия кенгаши ҳам, машҳур шоир таваллуд топган кунга бағишлаб, ўтказган байрам тадбирида Алишер Навоий номли тиббиёт билим юртининг талабалари, «Олтин водий» маданият саройи рақс дастаси жамоаси мутафаккир, шоирнинг ғазал ва рубоийларидан парчалар ўқиб, саҳна кўринишлари намойиш этдилар. Кечада, бошланғич партия ташкилотлари уюштирган, «Энг яхши деворий газета» ва «Энг яхши болалар расми» танлови натижалари эълон қилинди. Голибларга ХДП Зарафшон шаҳар кенгаши мукофотлари топширилди.

Шунингдек, машҳур шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг 560 йиллик таваллудига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар Андижон шаҳар, Собир Раҳимов ва Чортоқ туманларида ҳам ўтказилди.

* * *

Фарғона туман кенгаши ташаббуси билан, туман пиллакашлик корхонасида, «Она ва бола» йилига бағишланган, тадбир бўлиб ўтди. Тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшуносларнинг маслаҳатлари ҳамда «Водий чашмаси» гуруҳининг чиқишлари унда йиғилганларга манзур бўлди. Тадбирда Фарғона вилоят партия кенгаши биринчи котиби А. Эгамбердиев нутқ сўзлади.

* * *

Учкўприк тумани 21-касб-ҳунар лицейида, ЎзХДП Низоми ва Дастурини ўрганиш бўйича, учрашув бўлиб ўтди. Партия фаолиятига оид мулоқотдан сўнг, ХДПга кириш истагини билдирган, 28 нафар ёшларга партияга аъзолик билетлари топширилди.

* * *

ЎзХДП Учқўрғон туман кенгаши, тумандаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида, «Соғлом она — соғлом бола» мавзуида, «давра суҳбати» ўтказди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**



КЎПРИК ҚУРИНГ — КЎПЧИЛИК ЎТАДИ

Албатта, савобли ишлардан бири бу шубҳасиз кўприк қурмоқдир. Чироқчи туман «Чиял» жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидаги Қумдарё қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддилари ва Оқтунли, Сулиқ, Чувуллоқ, Тухмор қишлоқларида яшовчи саховатпеша инсонлар ёрдами билан «Якка кўприк ота» қабристони ва зиёратгоҳи йўлидаги Қумдарё устига 52 метрли кўприкнинг қурилиши мана шундай савобли ишлардан бири бўлди.

Қурилиш ишларини Китоб йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси ходимлари қисқа муддатда бажардилар.

— Озгина эътибор, озгина фидойилик билан кўп нарсаларга эришдик, — дейди Қумдарё қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Ш. Абдуҳолиқов. — «Якка кўприк ота» зиёратгоҳига келувчилар Қумдарёдан ўтишда анчагина машаққатлар чекишарди. Ушбу кўприкнинг қурилиши халқимизнинг мушкулини анчагина енгиллаштирди. Бу ишларни амалга оширишимизда тадбиркор, саховатпеша инсонлар ўзларининг беғараз ёрдамларини аямадилар. «Якка кўприк ота» жомеъ масжиди имом хатиби Сайдулла Хуррамов бошчилигида Ш.Ҳожиев, Ф. Холбўтаев, А. Қўзиев, Т. Бободўстов, А. Тожиев, Ш. Хоннаев каби бир қанча инсонлардан халқимиз бугун ниҳоятда миннатдор.

■ **Абдурасул ПАРДА**

Суратларда: 1. Янги кўприкнинг кўриниши. 2. Шерзод Абдуҳолиқов (ўртада) тадбиркорлар Тешабой Абдураззоқов ва Содиқ Боймуродовлар билан.

ТИЙИЛИШГА ЧАҚИРИШДИ

Япония парламентидаги ҳукмрон Либерал демократлар партияси вакилларидан бир гуруҳи мамлакат бош вазири Иосиро Морини голф ўйини ва зиёфатларга боришдан тийилишга чақирди. И.Морининг Гавайи ороллари яқинида АҚШ сувости кемаси Япония кемасини чўктириб юборгани тўғрисидаги хабарни эшитгандан сўнг ҳам голф ўйнашни бас қилмаганига жавобан депутатлар шундай даъват билан чиқди. Шунингдек, қандайдир ишбилармон бош вазир учун голф клубларидан бирига аъзолик бадали сифатида 350 минг доллар тўлагани тўғрисидаги хабар ҳам уларни айни талабни баён қилишга ундади.

ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Хитойда «қорамол қутуриши» хасталиги ҳолати бирор марта учрамади, унинг тарқалиш эҳтимоли ҳам йўқ. ХХРнинг қорамол маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича давлат бошқармаси раҳбари Цзя Юлин шундай деди. Унинг айтишича, мамлакат қишлоқ хўжалик вазирлиги бу касалликни назорат қилиш ва аниқлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрмоқда.

ХОРИЖДА

СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

АҚШ аҳолисининг 48 фоизи ракетадан мудофаа тизими яратилишини қўллаб-қувватлайди. «Ассошэйтед пресс» ахборот агентлиги ўтказган сўров натижалари шундан дарак бермоқда. Сўровда қатнашган америкаликларнинг 40 фоизга яқини бу дастурга қарши эканини маълум қилган.

ИЗОЛЯТОРГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ

Украина бош вазирининг собиқ ўринбосари, «Ватан» партияси етакчиси Юлия Тимошенко Киевдаги «Лукяновск» тергов изоляторига жойлаштирилди. Унга контрабанда, ҳужжатларни қалбакилаштириш, пора беришга уриниш каби айблар қўйилмоқда. Украина Президенти Леонид Кучма мамлакат Бош прокуратураси даъвосига асосланиб уни вазифасидан озод этди.

305 КУН КАСАЛ БЎЛГАН

Чехия Президенти Вацлав Гавелнинг сурункали касал бўлиши мамлакат оммавий ахборот воситалари вакиллари орасида мунозара уйғотмоқда. Уларнинг таъкидлашича, хаста сиёсатчининг давлат раҳбари вазифасида қолиши мақсадга мувофиқ эмас. Газеталарнинг ёзишича, В.Гавел сўнгги беш йил ичида 305 кун касал бўлган.

ЯНГИ МАЪМУРИЯТ ҲАРАКАТДА

АҚШнинг янги маъмурияти собиқ президент Билл Клинтон имзолаган Халқаро жиноий суд тузиш тўғрисидаги шартноманинг Сенат томонидан ратификация қилинишига эришмоқчи эмас. Бу ҳақда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл айтди. Унинг сўзларига қараганда, Жорж Буш маъмурияти бу ғояни қўллаб-қувватламайди ва шу сабабли ҳужжатни ратификация учун Сенатга жўнатмоқчи эмас.

Халқаро жиноий суд тузиш тўғрисидаги қарор 1998 йилда Римда бўлиб ўтган халқаро анжуманда қабул қилинган эди. Доимий фаолият кўрсатиши мўлжалланган бу орган ҳарбий жиноятлар ва қатағон билан боғлиқ ишларни кўриб чиқади.

АЙБЛОВ РАД ЭТИЛМОҚДА

Мьянма ҳукумати вакилларининг таъкидлашича, Таиланд ҳарбийлари Мьянманинг чегарадош Тачилек шаҳрини ўққа тутган. Натижада уч киши ҳалок бўлган, ўнлаб одам жароҳатланган. Шунингдек, халқ хўжалигига анчагина моддий зарар етган, жумладан, еттита турар-жой биноси, будда ибодатхонаси ҳамда католик черкови вайрон бўлган. Бироқ, Таиланд ҳукумати ушбу айбловни қатъий рад этмоқда.

DUSHANBA 19

Телетомошабинлар диққатига!

Профилактика муносабати билан Душанба, 19 февраль «Ўзбекистон — 1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
15.25 ТВ — 1 намойиш этади.
15.40 Кундузги сеанс. «Сирли шарча». Бадиий фильм.
16.45 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
17.00 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига** «Биз билган, билмаган тарих».
17.30 Экранда - телесериал. «Индаба».
17.55 ТВ - маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Бинафша».
18.30 Мусиқий альбом.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40, 22.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.

«Спорт» дастури:

21.45 «Ким аслида ким?»
22.15 «Миллионлар ўйини».
22.40 «Маънавият» дастури.
23.35 «Ахборот».
00.10 Тунги сеанс: «Плюшчихадаги «Уч терак» қаҳвахонаси». Бадиий фильм.
1.25-1.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
10.25 «Бир том остида». Мультфильм.
10.40 «Саломатлик сирлари».
11.00 «Давр» ҳафта ичида».
11.40, 12.15, 16.20 «Мусиқий лаҳзалар».
11.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 32-қисм.
12.25 «Манзур».
12.45 «Тақдир». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
13.35 «Ёшлар овози».
13.55 «Тақдир». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли (давоми)
15.30 «Жаҳон жуғрофияси»: «Оловдан бино бўлган».
16.30 «Спорт ҳафтаномаси».
16.45 «Хива». Манзарали фильм.
16.55 «Соҳибқирон ёди». Мусиқий дастур.
17.05 Кўрсатувлар дастури.

17.10 «Янги авлод» почтаси, «Шум болалар».
17.45 Мультфильм.
18.05 «Ўзбегим кураши». Осиё чемпионати ҳақида.
18.25 «Эрта сўнган юлдузлар».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Ҳандалак». Ҳажвий тележурнал.
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.05 «Ёшлар овози».
20.25, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.30 «Бир пиёла чой устида».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Даллас». Телесериал.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.05-1.10 «Хайрли тун!»

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 20.00, 21.30, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Авто-news».
22.30 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 6-қисм.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ. «Рим империясининг емирилиши». 1-қисм.
1.05-1.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.15 «Мультчархпалак».
16.30 «Вести».
17.00 «Қутлуғ бахт тилаги-2». Сериал.
17.50 «Контакт».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.15 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».
18.40 «Клип-антракт».
18.45 «Мени кутгил».
19.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревю».
22.15 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
22.35 «Россия эстрада юлдузлари: София Ротару». Концерт дастури.
22.55 Кинематограф. «Қашшоқлик гувоҳи». Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин».

Соат 18.00 га қадар профилактика.

18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
18.35 Мультсериал.
19.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
19.25 «Оқ тўти» клуби. Ҳажвий кўрсатув.
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.55 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
20.25 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» киноокшоми. «Ёлғиз ўзи». Ўткир сюжетли фильм.
23.00 «Ўзингни кўрсат». Дам олиш дастури.
23.15 «МЭШ». Ҳажвий сериал.

SESHANBA 20

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
9.15 , 12.25 ТВ-метео.
9.20 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Ал-Фарғоний». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»)
9.40 «Миллионлар ўйини».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 ТВ-1 кинотеатри. «Табор кўкка йўл олади». Бадиий фильм.
11.35 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
11.55 ТВ -клип.
12.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.30 Футбол XX асрнинг сўнгги Европа чемпионати. Голландия-Дания.
14.10 «Маънавият» дастури.
15.05 Эстрада тароналари.
15.40 Кундузги сеанс «Дон - Кихотнинг фарзандлари». Бадиий фильм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Болалар учун. «Ёш юлдузлар».
18.30 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
18.40 «Солиқ ва назорат».
18.55 «Олтин мерос».
19.10 «Мулқдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.20, 22.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN«Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Навоийхонлик.
21.25 «Келин - куёв». Телешоу.
22.40 «Саҳна ҳаёти».
23.05 «Ахборот».
23.40 Тунги сеанс: «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Шум болалар».
9.45 «Саломат бўлинг».
10.05 «Она билан бола - гул билан лола». Мусиқий дастур.
10.20 «Даллас». Телесериал.
11.05 «Ёшлар овози».
11.25, 14.30, 16.55 «Мусиқий лаҳзалар».
11.30 Болалар экрани. «Золушка учун уч ёнғоқ».
12.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
14.35 «Жан Кристоф». Телесериал.
15.30 «Баҳс».
15.50 «Колонна». Бадиий фильм. 1-қисм.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати».
17.25 Мультфильм.
17.35 «Таянч».
17.50 «Газал соғинчи».
18.10 «Минг бир маслаҳат».
18.30 «Авторейд».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 «Биринчи мўъжиза».
20.10 «Ёшлар овози».
20.25, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.30 «Марду майдон».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Даллас». Телесериал.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
0.15-0.20 «Хайрли тун».

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «ТВ плюс».
18.30, 20.00, 21.30, 23.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Дорихона эшитади».
22.45 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 7-қисм.
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Рим Империясининг емирилиши». 2-қисм.
1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
17.00 «Қутлуғ бахт тилаги-2». Сериал.
17.50 «Америкага назар».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.45 «Клип-антракт».
19.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревю».
21.55 «Россия эстрадаси юлдузлари»: «Қойилмақом ўнлик». Концерт дастури.
22.40 Кинематограф. «Доктор ва унинг ҳамширалари». Бадиий фильм.
00.25 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
9.30 «Жанговар санъат олами». Спорт дастури.
10.00 «Карапуз-ТВ».
10.30 Тонгги киносеанс. «Карнавал». Мусиқий фильм. 1-серия.
12.00 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
18.35 Мультсериал.
19.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
19.25 «Синчков ақллар». Маърифий кўрсатув.
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.55 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
20.25 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» киноокшоми. «Ёлғиз ўзи». Ўткир сюжетли фильм.
23.00 «Ўзингни кўрсат». Дам олиш дастури.
23.15 «МЭШ». Ҳажвий сериал.

CHORSHANBA 21

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Созим — ҳамрозим». Мусиқий дастур.
9.15, 12.20 ТВ-метео.
9.20 «Санъат олами».
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бухоро — ҳунармандлар шаҳри».
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00 , 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ватанпарвар».
10.25 ТВ - 1 кинотеатри. «Пилигримм» кемасининг капитани». Бадиий фильм.
11.55 ТВ - клип.
12.05 «Камолот сари».
12.25 «Ишқ — сирли қўшиқ». Адабий - мусиқий композиция.
12.50 «Қизлар давраси».
14.10 «Мураббий». Спорт дастури.
14.25 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
14.50 «Рақслар гулдастаси».
15.10 Кундузги сеанс «Бурилиш». Бадиий фильм.
16.45 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
17.20 «Иқтисод ва биз».
17.30 Экранда — телесериал. «Индаба».
18.10 Болалар учун. «Мен дунёни кўряпман».
18.30 «Тилга эътибор».
18.45 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма - юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Янги тароналар». Миллий эстрада қўшиқ ва куйлари Республика кўрик-танлови. 1-босқич.

«Умид» намойиш этади:

22.00 «Замонамизнинг ёш қаҳрамони».
22.10 «Сени шарафлайман, Озодлик!»
22.20 «Энг гуллаган ёшлик чоғимда».
22.40 «Олам». Телеальманах.
23.15 «Ахборот».
23.50 Тунги сеанс: «Эгнар чашмаси». Бадиий фильм.
1.15 - 1.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати».
9.35 Мультфильм.
9.45 «Бизнес-академия».
10.00 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 33-қисм.
10.25 «Давр» - интервью.
10.40, 11.55 «Мусиқий лаҳзалар».
10.50 «Ёшлар овози».
11.10 «Даллас». Телесериал.
12.05 Болалар экрани. «Мафусаил».
13.55 «Биринчи мўъжиза».
14.15 «Жан Кристоф». Телесериал.
15.10 «Газал соғинчи».
15.30 «Таянч».
15.45 «Колонна». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.50 «Авторейд».
17.05 «Жараён».
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
18.00 «Мени тушун...» Телеўйин.
18.25 «Бугуннинг ёшлари».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Ракурс».
19.55, 20.35, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Спорт–лото».
20.10 «Очил дастурхон».
20.25 «Муҳаббат қўшиқлари».
20.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Ерга ташриф».
21.30 «Сийрат».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Каталог».
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.15-1.20 «Хайрли тун».

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 20.00, 21.30, 23.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.35 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 8-қисм.
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Фирибгарлар найранги».
1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.15 «Мультчархпалак».
16.30 «Вести».
17.00 «Қутлуғ бахт тилаги-2». Сериал.
17.50 «Британия кундалиги».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.45 «Клип-антракт».
18.55 «Инсон ва қонун».
19.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревю».
22.15 «Х-спорт».
22.35 Кинематограф. «Филадельфия тажрибаси». Бадиий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин».

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
9.30 «Экспресс-тестлар. Гиёҳвандликка оид масала». Ҳужжатли фильм.
10.00 «Карапуз-ТВ».
10.30 Тонгги киносеанс. «Карнавал». Мусиқий фильм. 2-серия.
12.00 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
18.35 Мультсериал.
19.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
19.25 «Интернет-кафе». Ахборот-дам олиш дастури.
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.55 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
20.25 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» киноокшоми. «Барракуда». Триллер.
23.15 «МЭШ». Ҳажвий сериал.

PAYSHANBA 22

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Мусиқа ва театр».
9.15, 12.25 ТВ-метео.
9.20 «Шарқ табобати».
9.35 «Сергайрат кампир». Мультфильм.
9.45 «Бизга аталган кун». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.15 ТВ-1 кинотеатри. «Зўр ўтирибмиз». Бадиий фильм.
11.30 «Йил мактаби». Республика кўрик-танлови.
11.55.13.55 ТВ-анонс.
12.05 «Қалб сайёраси».
12.30 Жаҳон адабиёти дурдоналари. А. П. Чехов. «Қийшиқ ойна». Теленовелла.
13.20 «Олам». Телеальманах.
14.10 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
14.45 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
15.00 «Бинокор».
15.15 Кундузги сеанс. «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм.
16.45 «Ўзбекистон бастакорлари». Ф. Олимов.
17.05 Экранда — телесериал. «Индаба».
17.30 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Ҳамкорлик ришталари».
18.45 «Офарин» кўрик - танлови олдидан.
18.55 «Баркамол авлод орзуси».
19.10 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40, 22.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Миллий манфаат».
21.45 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.30 «Сийрат».
23.20 «Ахборот».
23.55 Тунги сеанс: «Бу рангбаранг олам». Бадиий фильм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.35, 11.15, 13.35 Мусиқий лаҳзалар.
9.45 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 34-қисм.
10.10 «Ўзбегим кураши».
10.30 «Даллас». Телесериал.
11.25 «Сийрат».
11.45 «Бугуннинг ёшлари».
12.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
13.45 «Сенинг вақтинг».
14.05 «Спорт қитъаси».
14.35 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
15.05 «Есения». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.20 «Мақом» ансамбли хонандалари куйлайди.
16.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус», «Болалар учун концерт».
18.00 «Табобат оламида».
18.20 «Мутойиба».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Вадижон Қодиров куйлайди.
20.05 «Ёшлар овози».
20.25, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.30 «Мезон».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Даллас». Телесериал.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.05–1.10 «Хайрли тун!».

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30, 20.00, 21.30, 23.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
22.15 «Спорт оламида».
22.35 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 9-қисм.
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Шамолларда қолган ҳисларим». 1-қисм.
1.30-1.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
17.00 «Қутлуғ бахт тилаги-2». Сериал.
17.50 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.45 «Клип-антракт».
18.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.
19.40 CFI тақдим этади: «Бетховеннинг 9 симфонияси».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревю».
21.55 «Кино сайёраси».
22.20 Кинематограф. «Салом, холангизман». Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин».

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00 «Карапуз-ТВ».
10.30 Тонгги киносеанс. «Актёрлар». Драма.
12.00 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
18.35 Мультсериал.
19.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
19.25 «Довюраклар телбалиги». Ҳужжатли сериал.
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.55 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
20.25 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» киноокшоми. «Роман ёзгин». Комедия.
23.15 «МЭШ». Ҳажвий сериал.

ТУЗАТИШ

Газетанинг шу йил 13 февраль сонида чоп этилган «Яхши ният» телевизион уй-жой пулбуюм лотереяси 8-тиражида «Халтада чиқмаган шарлар» рақамлари техник сабабларга кўра хато кетган. Бу рақамлар 1, 16, 44, 45, 50, 63 деб ўқилсин, яъни тираж пастида берилган «қисқа жадвал»дагиси тўғри вариантдир.

XX АСР ДОНИШМАНДЛАРИ

АДЛЕР АЛЬФРЕД ҲИКМАТЛАРИ

Австриялик шифокор, тиббиёт фанлари доктори, руҳшунос, Колумбия университети профессори Адлер Альфред (1870—1937) индивидуал психологияга асос солган олим. У «Одамларни билиш» (1917), «Яшовчанлик фани» (1929), «Ҳаёт мазмуни» (1933) каби бир неча китоблар муаллифидир. Зигмунд Фрейд фалсафасига руҳшунос олимлар орасида биринчилардан бўлиб катта қизиқиш билдирган. Альфред 1902 йили унинг мунозара клубига аъзо бўлиб киради.

1910 йилда Вена руҳий таҳлил жамиятининг президенти бўлади. Аммо маълум муддат ўтгач, ўқитувчилар ва ўртоқлари билан илмий қарашларда қарама-қаршилик юзага келгани боис тўғаракдан кетади ва 1912 йили Индивидуал психология жамиятини тузади. Биринчи жаҳон уруши тугаши билан Европада тарбияси оғир болалар билан шуғулланувчи психологик клиникалар тизимини яратади.

1935 йилда эса Германия фашистларидан қутулиш учун АҚШга кўчиб кетишга мажбур бўлади. У Шотландияда вафот этади. Ушанда у бу ерга маъруза ўқиш учун келганди.

Инсоннинг ўзини қандай тутиши асосида ўз сезгисини янада шакллантириш ҳаракати ётади, дея ҳисоблайди у.

Агар мақсад дилдан ҳис этилмаса, фаолият ҳеч қандай мазмун кашф этмайди.

* * *

Кўпчилик одамлар кўз билан қандай кўришни, қулоқ билан қандай эшитишни, юрак билан қандай сезишни ҳалиям ўрганмаган.

* * *

Аксарият одамлар ҳаётда хато қилиб қўйишдан қўрқиб яшайдилар.

* * *

Ҳаётий муаммоларнинг катта қисмини ҳал этиш учун биргаликда ишлашнинг ўзи кифоя.

* * *

Никоҳ қизларнинг фақат эри учун аёллик қилишига кўнганининг белгиси эмас.

* * *

Омадсизлик ҳаёт қадрини англатиб туради.

* * *

Инсон бўлиб яралиш — норасо ҳисларга эга бўлиш демакдир.

* * *

Одамлар кўп ҳолларда қўрқувга мойиллик сезади. Тортинчоқлик эса бошқаларга қўшилмаслик, одамовилик белгисидир.

* * *

Негадир ўз мақсадимиздан ташқари барча нарсаларни назар-писанд қилмаймиз.

* * *

Барча институтлар, анъаналар, қонунлар, ахлоқий принциплар ва одатларимиз шундан далолат берадики, улар жуда теран шаклланган ва улар эркаклар устунлигини сақлаб туриш учун имтиёзли эркаклар томонидан қаттиқ қўллаб-қувватланади.

* * *

Барча руҳий кўринишлар аниқ мақсадлар исканжасига мувофиқдир.

* * *

Киши қалбида қузатилган туғёнлар янги фаолият учун тайёргарлик белгисидир.

* * *

Олдинга ташланган ҳар қандай қадам тузатмаларга муҳтож бўлган камчиликлардан ҳоли эмас.

* * *

Ҳукмронликка сархушлик ҳалиям қонимизда бор ва у ҳаммадан юқори туриш ўйинида қалбимизни копток қилиб тепади. Фақат бир нарса бизни қутқариши мумкин — ҳукмронликка ишончсизлик. Яна бир турфа одамлар борки, ҳаётга бўлган қизиқиши йўқлигини намоён этиб, ўз жонига қасд қилиш билан жамоатчилик фикрини ўзига қаратишга ҳаракат қилади. Ҳаёт ва ўлим хўжайини бўлиш — мана уларни нима ҳаракатга келтиради.

* * *

Жамият манфаати учун ҳеч нима қилмай туриб ҳамманинг диққат марказида бўлишни хоҳлаган киши ҳеч қачон бундай ҳурматга сазовор бўлолмайди.

* * *

Бир хил шароитда бир хил одамлар томонидан ҳар хил хатоликлар юз беради.

* * *

Гипноз асосида барчани бўйсиндириш ғояси ётади.

* * *

Одамзот руҳий зўриқишда бир хатоликдан бошқа хатоликка томон қадам босади.

* * *

Доҳийлик кучининг чегарасини уни байроқ қилиб кўтаришга тайёр турган гуруҳлар белгилайди.

* * *

Болалар ўз ҳаёти учун энг зарур нарсаси тақиқланиши боис ўғрилик қилишни бошлайди.

* * *

Болалик — бу саволлар ғужғони даври, имкониятлар ва натижалар даври.

* * *

Нимани қайга қўйганини унутиб қўядиган уй бекалари шу уй бекалиги ролига сингишиб кетолмаётган, бу ролни хоҳламаётган аёллардир.

* * *

Қалб мақсад сари интилган кучлар образига ўхшайди.

* * *

Қалб ҳаётини доимо ҳаракатда бўлган органлардагина кўра оламиз.

* * *

Агар биз жазо чораларини янада кучайтирсак, жиноятчини қўрқитишдан ташқари унинг ўзи қилган «қаҳрамонлиги»га бўлган ишончини янада мустаҳкамлаган бўламиз.

* * *

Шундай одамлар бор — одамларнинг умидсизликка тушишини кутиб яшайди.

* * *

Ҳаёт доимо давомийликка ҳаракат қилади, ҳаётий куч эса охиригача курашсиз енгилмайди.

* * *

Ҳаёт — болалар учун улкан тажрибахона.

* * *

Ҳаёт камдан-кам ҳолларда ўйинга ўхшайди.

* * *

Ҳаёт — ўқитувчидан кўра қаттиққўлдир.

* * *

Ўзга одамлар билан ўзаро етарли алоқада бўлмаслик бегоналашишни келтириб чиқаради.

* * *

Ёлғиз одам шунинг учун кучсиз ва баҳосизки, асли одамзот умумжамоа бўлиб яшайди.

* * *

Муқояса ва ўхшатишга ружу қўйиш ўзни ва бошқани алдашнинг энг мақбул йўлидир. Ўзини бошқаларга ўхшатишга мойил одам ўзининг факт ва мантиқларига ўзгаларни ишонтиролмайди.

* * *

Ҳар бир эртакнинг бахтиёрлик ила тугаши — бахтли келажакка умидворлик кучлилигидан далолатдир.

* * *

Қийинчиликларни хотиржамлик билан енга билмаслик — охир-оқибат кишини сабрсиз қилиб қўяди.

* * *

Ҳаётда хато қилмай яшаш ҳали ҳеч кимга насиб этмаган.

* * *

Кўзга кўринган нарсаларнинг барчасини ҳеч ким идрок этиб ўтирмайди.

* * *

Бахиллик ҳар қандай вазиятда ҳам кишига панд беради.

* * *

Одамзот учун энг қийин вазифа — бу ўзини тушуниш ва ўзгартиришдир.

* * *

Ҳаётимизнинг мазмуни — борлиқ билан алоқадорлигимиздадир.

* * *

Ёшнинг улғая бориши ақлли бўла бориш дегани эмас.

* * *

Қаердаки ҳукмронликка ва устунликка интилиш кучли бўлса, ўша ерда ҳасадга ҳам ўрин топилади.

* * *

Манманлик ва шуҳратпарастликнинг чегараси бўлмайди.

* * *

Манман одам ўзининг ҳар қандай хатосини бировнинг елкасига осишга қодир.

* * *

Ақл — ҳар доим соғлом фикр дегани эмас.

* * *

Фантазия — руҳиятимизнинг яна бир ижодий қобилиятидир.

■ **Аз. НАҲГРУДИЙ ва Алимқул СУЛТОН таржимаси**

ДИЙДОР

УСТА САНЪАТКОР



Ўзбекистон халқ артисти, Тошкент Санъат институтининг профессори Шуҳрат Аббосов ҳақида гап кетса, машҳур «Маҳаллада дув-дув гап» ва «Сен етим эмассан», «Тошкент — нон шаҳри», «Муҳаббат можароси», «Абу Райҳон Беруний», «Оловли йўллар» каби фильмлар кўз олдимизда жонланади. Шуҳрат ака етук режиссёргина эмас, самимий инсон, ғоят дилкаш суҳбатдошдир. Бу одам билан ҳар сафар суҳбатлашганда, уни ижодкор ва инсон сифатида янгидан кашф қиламан. Яқиндаги суҳбатимиз ҳам ғоят мароқли кечиб, санъаткорнинг ҳаёт ва санъат борасидаги фикрлари хусусида борди. Жумладан, Ш.Аббосовнинг режиссёр ким, у қандай бўлиши лозимлиги борасидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиққанимда, қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Режиссёрлик — бу касб. Ҳар бир касбнинг моҳир устаси бўлади. Ҳақиқий уста — ўз касбининг заргари назаридан ҳатто энг майда унсурлар ҳам қочиб қутулолмайди. Бинобарин, том маънодаги режиссёр ҳам билимдон, заковатли инсон бўлиши керак. Ундан санъатнинг барча тур ва жанрларини, тасвирий санъатни, адабиётни, мусиқани, бошқа соҳаларни, дунё киноси ва режиссурасининг тарихи ва бугунини чуқур билиш талаб этилади. Ҳатто кўчадаги маддоҳлар, гадолар хирғойиларини, бурчак-бурчакларда гитара чалиб куйлайдиганларнинг ҳам ашуласини билишинг керак. Бир сўз билан айтганда, кўп ўқиш, изланишдан, ўрганишдан чарчамаслиги лозим. Чунки фильм суратга олинаётганда, ҳамма икир-чикирларга режиссёрнинг муносабати керак бўлади. Табиат манзараларидан тортиб, кийинишгача унинг диққат марказида туради. Демак, режиссёр модалар — либослар тарихидан ҳам яхши хабардор бўлиши шарт.

Жамият бугун нима ўй билан яшаяпти, унинг руҳий талаби қандай. одамлар нималарни кўришни истайди? Бу саволларга жавоб топмасдан туриб яхши асар яратиш қийин. Хўш, яхши режиссёр бўлиш учун фақат билимнинг ўзи етарлими? Йўқ, албатта. Режиссёр тасаввурга бой, ҳозиржавоб, иродали, дид-фаросатли шахс бўлиши, ўзи ўйлаб топган нарсага атрофдагиларни ҳам қизиқтира билиши, ўзидаги «касаллик»ни уларга юқтира олиши керак. Бир асар суратга олинаётганда, турли актёрлар, баъзан бутунлай бошқа касб эгалари билан ишлашга тўғри келади. Ана шулардан яхлит бир ансамбль ярата олиш, кучини бетакрор образлар яратишга сарф қила билиш режиссёр учун муҳим фазилатлардандир.

Бизнинг устозларимиз Шекспир, Чарли Чаплин. Уларнинг энг муҳим фазилатлари шундаки, бу ижодкорлар ҳақиқий инсонпарвар бўлишган, асарларида инсонни улуғлашган, одамларга катта ҳурмат билан қарашга чақиришган. Бу улуғ санъаткорларнинг мақсади одамларни эзгуликка чорлаш, яхши ишларга руҳлантириш, маънан поклантириш бўлган. Ҳақиқий режиссёрнинг асари пировард натижада одамларни ҳаёт тўғрисида мулоҳаза юритишга олиб келади.

— Шуҳрат ака, ижод бор жойда танқид ҳам бўлади. Шу маънода сизнинг танқидчилик, кино танқидчилиги борасидаги фикрингизни билмоқчи эдим.

— Жаҳон танқидчилигида яратилган жуда кўп китобларни ўқиганман. Улар орасида мен Андре Базенни алоҳида ҳурмат қиламан. У ниҳоятда эрта, 30 ёшида бу дунёни тарк этган. Базенни «XX аср Аристотели» деб атаганлар. Ана шу одам даражасидаги танқидчилар бўлишини орзу қиламан. Зеро, бирор асарга баҳо бераётган одамнинг аввало ўзининг савияси юксак, маънавий баркамол бўлиши керак.

— Мана, янги асрга қадам қўйдик. Сиз бугун умрининг 40 йилдан ортиғини кино санъатига бахшида этган тажрибали режиссёр сифатида ўзбек миллий киносининг бугуни ва эртасини қандай тасаввур қиласиз?

— Санъатнинг бошқа соҳалари каби кинони ҳам халқ ҳаётидан узиб тасаввур қилиб бўлмайди. Янги жамият қуряпмиз, демак одамларнинг ҳам маънавий, руҳий қиёфаси янгиланмоқда. Ана шу жараён кишиларда қандай кечяпти, уларнинг ичида, руҳиятида қандай ўзгаришлар бўляпти, бугунги ижод эркинлигини қандай қабул қиляптилар? Умуман, ҳаётнинг ўзгарганини, эркинликни ҳис қиляптиларми? Ана шу саволларга экран орқали жавоб излаш асосий вазифамиз.

Атрофга бир назар ташлайлик. Ватан ўзимизники, мустақил юртда яшаяпмиз. Бу беқиёс имкониятдан ким қандай фойдаляпти? Фақат ўзини ўйлаб бор нарсани ўз атрофига тўплаётганлар ҳам бор. Лекин юртини, юртдошларини ўйлаётган, Ватан келажагининг ғамини еяётганлар улардан кўп. Ана шуларни экран кутиб турибди.

Мана, бугун ўзимизнинг армиямиз, ватанимиз посбонлари бор. Бугун аскарнинг хаёли нима билан банд, у нималарни ўйлаяпти. Мана сизга мавзу.

Халқимиз ёшларга жуда катта ишонч билдиряпти. Айни вақтда бу ишонч уларнинг зиммаларига катта масъулият ҳам юклайди. Ана шу юк залворини ёшларимиз ҳис қиляптиларми, талабаларнинг, мактаб ўқувчиларининг ҳаёти қандай, уларга билим бераётганлар, тарбиялаётганлар қандай одамлар? Зеро, бугун гап юксак маънавият, баркамол шахс борасида кетмоқда. Бундай улкан вазифаларни амалга ошириш учун фақат киночилар эмас, жамиятдаги ҳар бир одам ўзини қайта тарбиялаши, бурч ва масъулиятни чуқур англаши талаб этилади.

Шуҳрат Аббосов ҳар бир одам, хусусан, санъаткорнинг шу кунги жамиятдаги ўрни, бурчи, вазифалари ҳақида куюниб сўзлар экан, унинг ўзи инсон ва ижодкор сифатида бу каби талабларни ҳамиша назарда тутганини, фильмларининг севилиб томоша қилинишининг сабабларини янада яхшироқ ҳис этдим. Ўз касбига фидойи, тиниб-тинчимас бу санъаткор, шубҳасиз, ҳали кўплаб яхши асарлари билан кино хазинамизни бойитади.

■ **Гулчеҳра УМАРОВА**

МУТОЛАА ЗАВҚИ

ДУНЁ ГЎЗАЛ

Кўнглимни ром этган
Сеҳрли олам.
Сен улуғ отамсан,
Сен суюк болам.

Баҳодир Худойбергановнинг «Соғинч» номли шеърлар тўпламининг дастлабки шеърларидан бири ана шундай бошланади. Бу шеърнинг сарлавҳаси — «Шеърият». Муаллиф шеъриятнинг образини яратишга — уни бошқа ном билан аташга ва бу ном орқали шеърнинг сифатларини таърифлашга ҳаракат қилган. Сўзлар, белгилар, ишоралар воситасида муайян нарса ёки ҳодисани тасвирлаш — шеъриятнинг асосий шартидир. Ўз машқларида мана шу шартга амал қилган ҳар қандай ҳаваскор шоирликка даъвогар бўлишга ҳақлидир.

Ёш ижодкор «сеҳрли олам», «улуғ отам», «суюк болам» метафоралари — истиоралари воситасида шеъриятни ўзи билганича, тушунганича таърифламоқда. Дунёни қандай нигоҳ билан кўришни билдирмоқда:

Умримнинг мазмуни
Сен билан асли.
Сен билан баҳордир
Йилнинг тўрт фасли.

Сўзнинг қудратини, шеъриятнинг кучини Баҳодир гўзал таърифлаган. Шеърият шундай қудратга эгаки, у йилнинг тўртта фаслини ҳам баҳор қилишга қодирдир. Бу — муболаға. Бироқ асосли, мантиқли муболаға. Масалан, қишда баҳор ҳақида шеър ўқисангиз, кўз ўнгингизда кўклам намоён бўлади. Шеър билан йиғлаётган одамни кўндириш мумкин, кулаётган одамни йиғлатиш мумкин. Шеър кўнгилларни мунаввар қилади. Шеър одамларни ғаму кулфатдан халос этади. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Шоирлар алдайди сени жонгинам, Баҳор мангу эмас, уч ойдир холос» деган шеърида шеърнинг, шоирнинг алдаши, ишонтира билиш қобилиятига ишора бор. Фақат бунда шоир ҳаётни теранроқ кўришга даъват этади. Баҳодирнинг «Сен билан баҳордир йилнинг тўрт фасли» сатрларида эса сўзнинг илоҳийлигига топиниш ифодаланган. Шу маънода айтиш мумкинки, шеър — шоирнинг ибодатидир. Шоирнинг ибодати, парвардигордан сўраганлари албатта ижобат бўлгай.

Сен борки, кўзимга
Дунё гўзалдир.
Яшамоқ завқлидир,
Ҳаёт асалдир.

Сенсиз бу ҳаётнинг
Қизиғи бўлмас.
Умрнинг на совуқ
Иссиғи бўлмас!

Баҳодирнинг шеърият ҳақидаги ушбу фикрлари шеърият ва замон, санъат ва дунёнинг мазмунини англашнинг, ҳис этишнинг самараси ўлароқ шеърий шаклга солинган. Айни пайтда бу сатрлар тагида шоирнинг Ватан, одамлар олдидаги масъулиятига ҳам ишора қилинган. Ҳаётни васф этиш, умрнинг иссиқ-совуғини сезиш, яхши-ёмон кунларида одамлар билан бирга бўлиш асарларида ҳақиқатни тасвирлаш шоирнинг бурчидир.

«Шеърият» — кичик, лекин мазмуни катта шеър. У муаллифнинг содда, бироқ ўзига хос ифода услубини кўрсатиб турибди. Мана шундай шеърлар шоирнинг ўзлигини намоён этади.

«Соғинч» шеърлар тўпламида муаллиф Ватан, муҳаббат, мустақиллик мавзуларини ҳам қаламга олган. Мазкур тўплам маълум маънода бадиий камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Бироқ ижодкор шоир сифатида шаклланиш жараёнида бундай камчиликлардан астасекин қутулиб боради, деган умиддамиз.

■ **Рустам МУСУРМОН**

СЎЗ ВА СУРАТ

Ўзинг ҳайрат, боқишинг ҳайрат —
Қалбинг меҳр нуридай сара.
Сен ҳаётда шафқатни ўйгот —
Не жонзот бор, оғам деб қара.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

Туғилган кун

КИМ? ҚАЧОН?

20 ФЕВРАЛЬ

Ниёзали ХОЛМАТОВ (1947) — Ўзбекистон халқ устаси.

Суйима ҒАНИЕВА — адабиётшунос.

21 ФЕВРАЛЬ

Гулсара ДЕҲҚОНОВА — Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри гуруҳ бошлиғи.

22 ФЕВРАЛЬ

Дилмурод ҚОСИМ (1960) — шоир.

Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ (1950) — Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри адабий эмакдоши.

23 ФЕВРАЛЬ

Рўза АДАМБОЕВА — «Етти гўзал» рақс ансамбли раққосаси.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (1948) — журналист.

24 ФЕВРАЛЬ

Саъдулла АҲМЕДОВ (1947) — ёзувчи.

25 ФЕВРАЛЬ

Сайёра ЮНУСОВА — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри.

Табриклаймиз, қутлаймиз!
???133-12-56!!!
Кўнгироқларингизни кутамиз.

ХАЛҚ ТАБОБАТИ

ЖИҒИЛДОН БЕЗОВТА ҚИЛГАНДА

Инсон боласининг тўйимли таомдан кейин кайфияти кўтарилиб, ҳузурланиши табиий. Зеро, гоҳида нохушлик ҳам юз берадики, безовталаниб қоласан киши. Тўш остида, қизилўнгач бўйлаб қандайдир ачимсиқликдан нохушлик бошланади. Бу меъдадаги суюқликнинг кўпайиб қизилўнгач шиллиқ қуватига таъсир этаётганидан нишонадир. Жиғилдон қайнаши фақат дардманд кишиларга хосми ёки соғ одамларда ҳам юз берадими, деган саволнинг туғилиши табиий. Албатта, ошқозон-меъда хасталигига чалинганларда бундай ҳолат кўпроқ юз беради. Кейин кўпчилик ўз мижози фарқига бормай, таомларнинг иссиқлик ёки совуқлик хосиятларидан келиб чиқмай егуликларга зўр беради. Парҳез бузилгандан кейин, тўғрироғи гўшт, балиқ таомлар, қовурилган неъматлар, тузламалар, спиртли ичимликлар истеъмолидан сўнг, ҳатто ҳомиладорлик пайтларида ҳам ана шундай нохушлик кузатилган. Шунинг учун меъёрни сақлаган ҳолда сирка, қалампир, хантал каби аччиқликларни истеъмол қилмаслик керак.

Айрим кишилар меъдадаги бундай нотабиий ҳолат юз берган пайтда ичимлик содасига мурожаат қилишади. Албатта, сода ошқозон кислотасини камайтириб, бироз ором бериши мумкин. Кейин эса ошқозон ширасидаги гидрохлорид кислотасининг кўпайишига сабаб бўлиб, салбий ҳолатларни юзага келтиради. Яхшиси жиғилдон қайнашининг олдини олиш учун оз-оз ва тез, муҳими сифатли овқатланиш маъқулроқ. Овқатни еб бўлган ҳамоно ётмаслик, қаҳва, аччиқ чой ва ўткир ичимликларга ружу қўймасликни тавсия қиламиз. Баъзилар ёғли таомдан кейин кўнгилочарга ширинликни тановул қилишни хуш кўришади. Олимларнинг фикрига қараганда, овқатдан кейин бироз дам олган яхши экан. Ҳатто ичилган чой ҳам егуликлардаги турли фойдали маъданлару дармондориларнинг танамизга сингишига «халақит» бераркан. Яна бир масала, тунги дам олишдан икки ярим соат олдинроқ еб-ичишни тўхтатиш фойдалироқ. Борди-ю, билиб-билмасдан қилинган ҳаракатлар туфайли жиғилдон қайнаши юзага келса сабзи, редиска, олма ейиш ҳам нохушликни бартараф этиши кузатилган. Жуда бўлмаса, шифокорга мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз.

■ **Сафар МУҲАММАДИЕВ**

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BÖLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Alisher RO'ZIEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA